

ХИТОЙ ТИЛИДА ЯНГИ СЎЗ (生词) ЛАРНИ ТУШУНТИРИШ МЕТОДЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7351364>

ABDUGANIYEV Doniyor
Ilmiy maslahatchi: f.f.d.(DSc) Nasirova S.A.

Хитой тилини ўқитишдаги тажрибалар шуни кўрсатадики, хитой тили дарсларида янги сўзларни пухта ўзлаштириб олган талаба дарсинг етмиш фоиз материални яхши билиб олади. Хитой тилидан дарс берувчи мутахассисларга яхши маълумки, бу тилдаги грамматик категориялар, замон турлари бошқа чет тилларига, масалан, ғарб тилларидан инглиз ёки шарқ тилларидан араб тилларига нисбатан мураккаб эмас. Албатта, ҳозир хитой тили ўқитишда ҳеч қандай муаммо йўқ. Дарсда қўллаш учун дарслик танлови жуда кўп ва хилма-хил. Мазкур дарсликлар орасида ХХРда нашрдан чиққан “新实用汉语课本”, “发展汉语”, “新目标”¹ ва шу каби бошқа дарсликлар билан бир қаторда, мамлакатимизда нашрдан чиққан “Хитой тили 汉语”, “Хитой тили 汉语课本”² ва бошқа дарсликларни кўрсатишимиз мумкин.

Ҳар бир дарсликда янги сўзлар баёнига алоҳида саҳифалар ажратилади. Албатта, ҳар бир дарсликда бунга ўзгача, алоҳида ёндашувни сезамиз. “新实用汉语课本” дарслигида янги сўзлар бошқа дарсликлардаги сингари ҳар бир дарс матни (диалог)дан кейин берилади. Булар асосий ва қўшимча сўзлардир. Асосий сўзларнинг русча таржимасидан кейин шу янги сўз иштирокида бир ёки бир нечта сўз бирикмаси берилади. Дарсни бошқа қисмларида, яъни изоҳлар (комментарий) ва машқлар (упражнения)ларда янги сўзларни мустаҳкамлашга эътибор кам. “新目标”дарслигида ҳам бошқа дарсликлар қаторида янги сўз (生词)лар асосий матн (диалог)дан кейин берилади. Фақат, бошқа китоблардан фарқли равишда янги сўзлар таржимасидан кейин ушбу сўзлар бир нечта гаплар билан мустаҳкамланади. Янги сўзлар иштирокида сўз бирикмаларини беришдан кўра, гапларни бериш анчагина фойдалироқ эканлигини гувоҳи бўлдик. Зеро, сўз бирикмасида эмас, гап таркибида янги сўзларни ўрганиш, кўриш ва билиш ўқувчига қулайроқ ва осонроқ. Бундан ташқари ҳар бир дарсинг бошқа босқичларида ҳам янги сўзлар изоҳига ва уларни мустаҳкамлашга мазкур дарсликда кўп марта мурожаат қилинади. Лекин ҳар икки дарсликда ҳам қўшимча сўзларнинг берилишида мисоллар кўрсатилмайди. Бу фақат юқорида кўриб чиққан дарслиklarимизга хос эмас, бошқа дарсликларга ҳам таалуқлидир. Табиий “нега ундай?” деган савол туғилади. Ёки қўшимча сўзларни “гапларсиз” ҳам тушунса бўладими? Йўқ, албатта. Баъзан бир дарсдаги қўшимча сўз, кейинги дарсдаги асосий янги сўзлар таркибида келади. Шунинг учун бу сўзлар ана ўша ерда гаплар билан мустаҳкамланади. Афсус, аксарият ҳолларда бундай эмас. Юқорида биз фақат иккитагина дарслик мисолида қисқа таҳлил қилдик. Янги сўзларни тушунтириш дарсинг муҳим босқичи экан, дарсда янги сўзларни тушунтиришда қуйидаги методларни кўриб чиқсак:

1. 直接对译法. Таржима қилиш орқали янги сўзларни тушунтириш методи. Бу энг кенг тарқалган, қарийб ҳар бир ўқитувчи қўллайдиган метод бўлиб, ўқитувчи ва ўқувчи учун

¹新实用汉语课本 “Новый практический курс китайского языка.”, Пекин, 2009, 发展汉语 “Developing Chinese”, Пекин, 2011, 新目标 “Новый объект”, Пекин, 2004.

² Л.Султонова, Ж.Зиямухамедов, М.Туратова. 汉语 “Хитой тили”, Тошкент, 2013, Марғуба Сиддиқова. 汉语课本 “Хитой тили”, Тошкент, 2014.

жуда қулай. Янги сўз осон ўзлаштирилади. Қўшимча кучни, яъни хотирани ошиқча ишлатишни, мулоҳаза қилишни талаб қилмайди. Бу методда сўз ва унинг она тилидаги таржимаси берилди. Мазкур методни ҳар қайси сўз туркумига оид сўзларни тушунтиришда қўллаш мумкин. Масалан: 苹果pingguo- олма, apple, яблоко. Мисолда берган сўзнинг таржимасини бир неча тилларда ёки она тили (ўзбек) ва инглиз тилида ҳам берилиши айти мақсадга мувофиқ бўлади.

2. 比较联系法. Таққослаш орқали тушунтириш методи. Бу метод асосан феъл, равиш, олмош сўз туркумига хос янги сўзларни тушунтиришда жуда қулай. Таққослаш орқали тушунтирилса мазкур сўз туркумига оид янги сўзларни ўрни ҳақида ўқувчида яхши тушунча ва тасаввур ҳосил бўлади. Шу билан бирга ўқувчида ҳам қизиқ, ҳам осон бўлади. Дейлик “是shi” феълени инглиз тилидаги “to be” билан таққослаш орқали тушунтирилади. Ҳозирда инглиз тилини ўрганишга алоҳида эътибор берилганганини эътиборга оладиган бўлсак, бу метод жуда долзарб ва аҳамиятли ҳисобланади. Масалан, “是” феълнинг хитой тилида қўлланилиши бирмунча осонлиги, инглиз тилидаги “to be” нинг “is, was, are” шакллари хитой тилида биргина “是” билан берилиши ўқувчиларга таъкидланади. Шунда ўқувчилардаги “хитой тилини ўрганиш қийин экан” деган асоссиз хавотирни олдини олган бўламиз. Ёки “能” ва “会” феълларини инглиз тилидаги “can” феъли билан таққослаш орқали мисоллар келтириш ҳам айнан мақсадга мувофиқдир.

3. 语素教学法. Сўздаги ҳар бир морфемани алоҳида тушунтириш методи. Бу метод янги сўзларни хотирада янада мустаҳкам муҳрланиб қолишига ёрдам беради. Ҳар қандай сўз туркумига хос сўзларни бу методни қўллаб тушунтириш мумкин. Бундан ташқари бу метод орқали ўқувчи янада кўпроқ лексик захирага эга бўлади, билими янада ортади. Бу билим нафақат хитой тили соҳасидаги, балки Хитой тарихи, этнографияси, географияси, маданияти ва фалсафасига хос билимларга ҳам таалуқли. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

4. 图片展示法. Карточкалар ёрдамида тушунтириш методи. Бундай методни асосан от сўз туркумига оид сўзларни тушунтиришда, бошланғич гуруҳларда қўлласак бирмунча кизиқарлироқ ва мақсадга мувофиқ бўлади. Албатта, ўқувчи эндигина хитой тилини ўрганишни бошлаган пайт, унда озгина қўрқув ва ҳаяжон бўлиши табиий. Бундай пайтда уни кизиқтириш ўқитувчининг зиммасидаги мажбуриятдир. Ҳозирда рангли расмлар билан тайёрланган карточкалар хитой тилини ўргатаётган ҳар бир ўқув даргоҳида қўлаб топилади. Шундай экан нима учун улардан унумли фойдаланмаслик керак? Масалан, карточкадаги “苹果олма” расмини кўрсатсак, биринчидан, ўқитувчида ортиқча гапириб ўтиришга ҳожат ҳам қолмайди. Иккинчидан, дарсда она тилини қўшмасдан кўпроқ хитой тилида гапириш имконияти бўлади. Учинчидан, 苹果сўзини ўқувчи ҳам карточкада кўрса, ҳам доскада ўқитувчи қоидага мувофиқ (笔顺) ёзиб берса, бундай янги сўз хотирага мустаҳкам ўрнашиб қолади.

5. 动作演示法. Ҳаракат билан кўрсатиб бериш методи. Бу метод ёрдамида, асосан, феъл ёки сифат сўз туркумига оид сўзларни тушунтирсак айти муддао. У дарсни кизиқарли ташкил этишга хизмат қилади. Интерфаол усуллардан бир нечасини бу метод билан биргаликда тадбиқ этсак бўлади. Ўқитувчи маҳоратига кўп нарса боғлиқ бўлади. 谈суҳбат, 跑югурмок, 打电话қўнғироқ қилмок, 坐ўтирмок, 看қўрмок, ўкимок ва хоказоларни ўқитувчи ҳаракат билан ёлғиз ўзи ёки ўқувчилар ёрдамида кўрсатиши жуда қизиқ ва муҳим тадбир ҳисобланади. Бундай методларнинг яна бир яхши томони шундаки, янги сўзлар шу тарзда тушунтирилса, дарсда фаол бўлмаган, энг пассив ўқувчиларнинг ҳам эътиборини дарсга жалб қилишимиз ва уларни кизиқтиришимиз мумкин.

Хулоса:

1. Янги сўзлар, албатта, доскада ёзиб кўрсатилиши шарт. Хитой тили дарсларида доска ва бўрнинг ўрни бекиёс. Уларни фан техниканинг энг ривожланган кўринишлари, компьютер, проектор, электрон доскалар билан алмаштириб бўлмайди асло. Бу босқичда янги сўз ўзи пингйинсиз ёзилади. Билганлар ўқийди. Билмаганларга эса юқорида айтиб ўтилган 5 та методдан бири орқали тушунтириш бошланади.

2. Янги сўзларни, аввало, ўқитувчи ўқиб бериши шарт. Бунда оҳанглар тизимига алоҳида эътибор берилади. Кейинги босқичда ўқувчилар биргаликда, кейин эса кетма -кет, бирин -кетин ўқийдилар.

3. Янги сўзларни ўқитувчи айтади, талабалар эса мазкур сўзлар билан сўз бирикмалари ясайдилар. Масалан: “ 师: 看(kan) . 生: 看朋友、看亲戚、看病人、看病、看小说、看电影、看报纸、看杂志、看热闹、看情况”³

4. Проектор орқали янги сўзлар доскада кўрсатилса, аввало пингйин билан, кейин эса пингйинни олиб ташлаб (махсус дастурда бу ҳолатни қилса бўлади) ўқилади. Бу янги сўзларни эслаб қолишни кучайтиради.

5. Гаплар ёзилади. Унда учраган янги сўзлар ажратиб олинади. Ўқувчилар ўзлари бу сўзларни таҳлил қиладилар. Сўзларни жойлашув ўрнига қараб қайси сўз туркумига хос эканлиги аниқлайдилар.

6. Дарсда ўқитувчи томонидан янги сўзларнинг синоним ва антонимларини топиш, уларни калитларга ажратиш, уларнинг таркибидаги имло чизиқлар сонини санаш тавсия қилинади.

7. Янги сўзлар иштирокида гаплар тузиш вазифаси кўйилади. Тузилган гапларни бошқа ўқувчига таржима қилдириш, хатоси бўлса, аввал, ўқувчилардан хатоларни тузатишни сўраш ва охирида ўқитувчидан хулоса қилиш тавсия этилади.

Хулоса қилсак, бундай тавсия ва методлар жуда кўп. Лекин ўқитувчи булар ичида ўз гуруҳи талабаларининг савиясига мосини танлаши ва дарсларда улардан имкон қадар кўпроқ фойдаланишга одатланмоғи керак.

АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. 汉语 课堂 教学 技巧. 北京语言大学出版社. 2004年.
2. С Хашимова. О ЯВЛЕНИИ КОНВЕРСИИ В СОВРЕМЕННОМ КИТАЙСКОМ ЯЗЫКЕ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2022.
3. С.А.Насирова (2021). Политическая метафора (на примере материала по кадровой политике современной КНР). In Resent Scientific Investigation (pp. 69-73).
4. Хашимова, С. А. (2020). ОСОБЕННОСТИ ОБРАЗОВАНИЯ РЕЗУЛЬТАТИВНЫХ ГЛАГОЛОВ ПРИ ПОМОЩИ СУФФИКСАЦИИ В КИТАЙСКОМ ЯЗЫКЕ. In *Страны. Языки. Культура: сборник материалов XI-й международной научно-практической конференции/Под ред. проф. Абуевой НН Махачкала: ДГТУ*. 391 с (р. 361).
5. Хашимова, С. А. (2020). Особенности образования неодушевлённых существительных при помощи суффиксации в современном китайском языке. *Modern Oriental Studies*, 2(2), 34-46.
6. Nasirova, S. A. (2019). Modification of semantics of social terms of the modern Chinese language. *Opción: Revista de Ciencias Humanas y Sociales*, (24), 260-273.

³汉语 课堂 教学 技巧. 北京语言大学出版社. 2004年. 49 页.

7. Хашимова, С. А. (2022). АГГЛЮТИНАТИВНАЯ ОСОБЕННОСТЬ СУФФИКСАЦИИ В СОВРЕМЕННОМ КИТАЙСКОМ ЯЗЫКЕ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(1), 196-202.
8. Hashimova, S. A., & Nasirova, S. A. (2021). FEATURES OF FORMING OF ANIMATED NOUNS WITH THE AFFIXES IN MODERN CHINESE LANGUAGE. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(04), 1-10.
9. Насирова, С. А. (2020). Генезис общественно-политической терминологии китайского языка через призму истории китайской дипломатии. *Modern Oriental Studies*, 2(2), 22-33.
10. Хашимова, С. А. (2022). О НЕКОТОРЫХ ОСОБЕННОСТЯХ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКОГО АСПЕКТА КОММУНИКАЦИИ (НА ПРИМЕРЕ КИТАЙСКОГО ЯЗЫКА). *SO 'NGI ILMIY TADQIQOTLAR NAZARIYASI*, 1(1), 85-91.
11. Хашимова, С. А. (2022, September). ОБРАЗОВАНИЕ ПРИЛАГАТЕЛЬНЫХ С ПОМОЩЬЮ АФФИКСАЦИИ В КИТАЙСКОМ ЯЗЫКЕ. In *E Conference Zone* (pp. 5-10).
12. Abdullayevna, H. S. (2020). Peculiarities of the formation of animated nonsignificant using suffixing in the modern chinese language. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(5), 1504-1511.
13. Хашимова, С. А. (2022). ОБРАЗОВАНИЕ ЧИСЛИТЕЛЬНЫХ ПРИ ПОМОЩИ АФФИКСАЦИИ В СОВРЕМЕННОМ КИТАЙСКОМ ЯЗЫКЕ. *World scientific research journal*, 7(1), 20-23.
14. Насирова, С. А., Хашимова, С. А., & Рихсиева, Г. Ш. ВЛИЯНИЕ ПОЛИТИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ КИТАЯ НА ФОРМИРОВАНИЕ ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ. *Ответственный редактор*, 162.
15. NS Abdullayevna. 上合组织国家的科学研究: 协同和一体化。上合组织国家的科学研究: 协同和一体化, 87, 0
16. С.А.Насирова. Институт евнухов в древнем Китае: причины возникновения и особенности (2022). *Фундаментальные и прикладные научные исследования: актуальные вопросы, достижения и инновации*. С. 187-188.
17. NS Abdullayevna. Языковая политика в Китае: идентификация общественно-политической терминологии (2019). In *КИТАЙСКАЯ ЛИНГВИСТИКА И СИНОЛОГИЯ* 3,384,2019